

УДК:636.22/28.2.084.636.2.083.2.

**СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ ТАНАЛАРНИНГ ОЗУҚА САРФИНИ ҚОПЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ****Асраев У Н***Тошкент Аграр Давлат Университети, қ.х.ф.ф.д.*

Аннотация: Тадқиқотда симментал таналарнинг жадал парвариш жараёнида ўстириш даврлари ва биринчи уруғлантириш ёшигача озуқа харажатларини тирик вазн билан қоплаш хусусиятлари ўрганилди. Жадал ўстирилган таналар гуруҳи биринчи уруғлантириш ёшида тенкурларидан тирик вазни 32.3 кг юқори бўлган ва 1 кг тирик вазн ўстиришга 0.23 кг озуқа бирлиги кам сарфлангани тасдиқланган.

Аннотация: В исследовании изучены оплата кормов приростом телок симментальской породы по периодам роста и до первого осеменения. Интенсивно выращенные телки в возрасте первого осеменения превышали своих сверстников по живой массе на 32,2 кг, а затраты на 1 кг прироста живой массы было ниже на 0,23 кг кормовых единиц.

КИРИШ

Озуқа харажати маҳсулот билан қоплаш чорвачиликда асосий иқтисодий кўрсаткичларидан ҳисобланади, чунки бу кўрсаткич бевосита маҳсулотнинг таннархига таъсир қилади. Сут ишлаб чиқариш подаларида ёш ўсувчи таналардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда уларнинг ўсиш даврида озуқани тирик вазн билан қоплаш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Илмий-тадқиқот тажрибалари 2023-2025 йиллар мобайнида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон темир йўлларига қарашли “Сардоба” наслчилик хўжалигида олиб борилди. Тажриба ўтказиш учун ўхшашлик белгилари бўйича бузоқларнинг зоти, жинси ва ёши, туғилгандаги тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 15 бошдан иборат 2-та гуруҳ 15-бошдан симментал зотли урғочи бузоқлар танлаб олинди. Тадқиқот тажрибаларида урғочи бузоқларни меъёрлаштирилган рацион (А.П.Калашников ва бошқалар, 2003 й.) тажриба гуруҳи таналари 20-30 %-дан юқори меъёрлаштирилган рацион асосида озиклантирилди ва рацион таналарнинг 6 ойлигигача 800-850 г-дан кам бўлмаган, 6-15 ойлигига қадар 750-800 г-дан ўртача кунлик ўсишига мослаб тузилди. Назорат гуруҳи таналари хўжаликда қабул қилинган рацион асосида боқилди.

Тадқиқот натижалари. 1 ва 2-жадваллар маълумотларининг кўрсатишича тажрибадаги таналарнинг маҳсулдорлик даражаси узвий равишда озуқани тирик вазн билан қоплашига таъсир кўрсатди.

Тажрибадаги бузоқларнинг туғилганидан 90 кунлик ёшига қадар тажриба гуруҳи таналарига 221,5 кг озуқа бирлиги, ҳамда 29,1 кг ҳазмланувчи протеин

сарфланган бўлиб, бу назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 23,02 %-га ошиқча бўлди.

Бузоқларнинг 90 кунлик ёшига қадар 1 кг тирик вазн ўсишига тажриба гуруҳи таналарида ўртача 3,06 кг озуқа бирлиги сарфланиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 5,2 %-га ошиқча бўлди.

Тажрибадаги таналарнинг 3-6 ойлик ёшига қадар ўсиш даврида тажриба гуруҳи таналарига 332,2 кг озуқа бирлиги сарфланиб, бу тенгқурлари назорат гуруҳга нисбатан 47,2 %-га, ҳазмланувчи протеин эса 39,3 %-га ошиқча бўлди.

Тажриба гуруҳи ўртача 4,59 кг озуқа бирлиги сарфланиб, тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан 28,8 % кам, бу даврда тажриба гуруҳи таналари 72,4 кг тирик вазнни ташкил қилиб, тенгқурларига нисбатан 9,2 кг ошиқча ёки 12,7 %-га ошиқча ($P>0,999$) бўлди.

6-9 ойлик ёши даврида тажриба гуруҳи таналарида ўртача 509,38 кг озуқа бирлиги, яъни, назорат гуруҳи тенгқурларига нисбатан 117,23 кг озуқа бирлиги ошиқча сарфланиб, 1 кг тирик вазн олиш учун ўртача 6,72 кг озуқа бирлиги, тенгқурларига эса 6,78 кг озуқа бирлиги сарфланди.

Тажриба гуруҳи таналари 9 ойлик ёшига қадар 75,8 кг тирик вазн олиниб бу кўрсаткич тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан 18 кг ёки 23,75 %-га ($P>0,999$) ошиқча бўлди.

Тажриба гуруҳидаги таналарнинг ўсишини 9-12 ёшига келиб назоратгуруҳи таналарига 569,5 кг озуқа бирлиги сарфланиб, тенгқурлари тажриба гуруҳига нисбатан 124,55 кг озуқа бирлиги ошиқча сарфланди.

Бу даврда назоратгуруҳи таналаридан 68,9 кг тирик вазн олиниб, тенгқурларига нисбатан 11,9 кг ёки 16,5 %-га ($P>0,999$), ёки 1 кг тирик вазн олиш учун 8,27 кг озуқа бирлиги, тенгқурлари тажриба гуруҳига нисбатан 0,53 кг озуқа бирлиги, ёки 6,85 %-га ошиқча бўлди.

1-жадвал

Назорат гуруҳидаги таналарнинг озуқани тирик вазн билан қоплаш кўрсаткичлари

Ўсиш даври, ой	Мутлоқ ўсиш, кг	Озуқа сарфи, жами кг		1 кг тирик вазнга сарфланган	
		озуқа бирлиги	ҳазмланувчи протеин	озуқа бирлиги	ҳазмланувчи протеин, г
0-3	58,6	170,5	20,64	2,91	352
3-6	63,2	255,5	31,1	3,57	492
6-9	57,8	392,15	46,65	6,78	807
9-12	57,5	444,95	53,12	7,74	924
12-15	56,1	510,8	59,8	9,11	1,066
15-18	53,8	440,3	51,7	8,18	961

Жами	347	2214,2	263,01	6,30	758
Уруғлантириш кунигача	328,3	2083,5	250,95	6,35	764

2-жадвал

Тажриба гуруҳидаги таналарнинг озуқа сарфини қоплаш кўрсаткичлари

Ўсиш даври, ой	Мутлоқ ўсиш,кг	Озуқа сарфи,жами кг		1 кг тирик вазнга сарфланган	
		озуқа бирлиги	ҳазмланувчи протеин	озуқа бирлиги	ҳазмланувчи протеин, г
0-3	72,3	221,5	29,1	3,06	402
3-6	72,4	332,2	43,3	4,59	598
6-9	75,8	509,38	49,42	6,72	652
9-12	68,9	569,5	58,54	8,27	850
12-15	69,5	626,92	63,94	9,02	920
Уруғлантириш кунигача	360,6	2205,3	245,8	6,12	682

Тажриба гуруҳидаги таналарнинг ўсишини 12-15 ойлик ёши даврида тажриба гуруҳи таналарига 626,92 кг озуқа бирлиги сарфланиб, бу тенгқурлари назорат гуруҳига нисбатан 116,12 кг озуқа бирлиги ошиқча бўлди. 1 кг тирик вазн олиш учун тажриба гуруҳи таналарига ўртача 9,02 кг озуқа бирлиги сарфланиб, тенгқурлари назорат гуруҳига эса 9,11 кг озуқа бирлиги сарфланди.

Хулоса. Жадал ўстирилган симментал тана тенқурларга нисбатан 15 ойлик ёшида уруғлантирилди, уларнинг тирик вазни 391.4 кг ташкил қилди. яъни туғилгандан то биринчи уруғлантириш давригача улардан 360.6 кг мутлоқ тирик вазн ўстирилди ва 1 кг тирик вазн ўстиришга 6.12 кг озуқа бирлиги сарфланди.

АДАБИЁТЛАР:

Акмалхонов Ш.А. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводство в Узбекистане.Ташкент.“Меҳнат”.1993.271с.

Акмалхонов Ш.А., Аширов М.Э. Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари.//Зооветеринария.-Тошкент,2009.-№ 10. -Б. 35-37.

Безгин В.И., Поварова О.В. Влияние возраста и живой массы телок при первом оплодотворении на молочную продуктивность.// Зоотехния. –Москва

Жеребилов Н.И., и др Особенности симментал-красно-голштинских помесей // Зоотехния. 2004. №6. С. 19-22.

а,2003.-№1.-С.24-25.

Носиров У.Н., Мақсудов И., Хамроқулов Р., Дўстмухамедова М. Қорамолларни бир хил озиқлантириш типига ўтказиш ва маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-амалий асослари. // Зооветеринария. -Тошкент,2010. -№1. Б. 29-34.